

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod



«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг тўлиқ матни эълон қилинди.

Муштарийларимиз мазкур юсак аҳамиятга эга Конституциявий Қонун лойиҳаси билан атрофлича танишиб чиқишлари учун газетамизнинг бугунги қўшма сониде унинг тўлиқ матнини чоп этмоқдамиз.

Истиқболли лойиҳалар сари янги қадамлар



Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев хорижий инвесторлар билан йирик лойиҳалар ҳусусида мулоқот ўтказди. Дастлаб, Осиё, Европа ва АҚШ давлатларида таълим, тиббиёт, энергетика, табиий ресурслар ва қишлоқ хўжалиги йўналишларида фаолият олиб борадиган Бирлашган Араб Амирлигининг "Planet One" халқаро корхонасининг иш бошқаруви жамоаси билан учрашув бўлди.

Тадбирда вилоятда боғча, мактаб, малака ошириш марказларини қуриш билан бирга, таълим жараёнларига янгиликлар киритиш, мактаблардаги ўқитиш методикасини ўзгартириш, дарслар сони, сифати, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, ўқувчиларни ҳаёт билан боғлаган ҳолда ўқитиш тизимини жорий этиш борасидаги фикрлар тингланди. Мазкур лойиҳалар учун бошланғич 600 миллион долларгача қийматда инвестиция киритиш

таклифи ҳам қўриб чиқилди. Шундан сўнг, Россия Федерациясининг "IS ESP" компанияси бош директори Александр Назаров ва ўринбосари Руслан Каучуралар билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида ҳам Тошкент вилояти манфаатларига мос лойиҳалар тақдими бўлиб ўтди. Хусусан, "Яшил энергия" йўналишида куёш, шамол, гидроэлектр станцияларини қуриш юзасидан дастлабки келишувларга эришилди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Байрам иншоотлари

Наврўз умумхалқ байрами кайфияти ҳукм сураётган шу кунларда жойларда янги ижтимоий объектлар, йўл ва хиёбонлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари фойдаланишга топширилмоқда.

Куни кеча Нурафшон шаҳрида ҳам бир қатор янги объектлар фойдаланишга топширилди. Очилиш маросимларида вилоят сектор раҳбарлари, нуронийлар, депутатлар, ёшлар



Оҳангарон шаҳридаги "Нўғойқурғон" ҳамда "Намуна" маҳалларида янги мактабгача таълим ташкилотлари фойдаланишга топширилди.



Маросимда шаҳар ҳокими, мутасаддилар, нуронийлар, ҳудуд фаоллари иштирок этди.

Шаҳар мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги "Нўғойқурғон" МФЙ ҳудудидаги 13-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Қурилиш ва таъмирлаш ишларига 2 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфланди.

"Намуна" маҳалласида қурилган 16-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти рус тилига ихтисослаштирилган. Мазкур ташкилот 120 ўринга мўлжалланган бўлиб, 4 та гуруҳ фаолияти йўлга қўйилган. Қурилиш ишлари учун 7 миллиард 335 миллион сўм маблағ сарфланган.

ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Дастлаб меҳмонлар "Қорасув-Бўка-Бекобод" автомобиль йўлининг темир-йўл устидан ўтувчи кўприк билан танишишди. Бюджет маблағлари ҳисобидан 25,6 миллиард сўм ажратилган мазкур кўприк қурилишига 85 нафар ишчи-ходим, 30 дан ортиқ махсус техника жалб этилди. Жараён 94 кун давом этди.

Кўприкнинг очилиш маросимида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этиб, йиғилганларни қўшалок байрам билан самимий қутлади. Қисқа фурсатларда объектни фойдаланишга топширган "Тошкент кўприклардан фойдаланиш" унитар корхонаси қурувчиларига миннатдорлик билдирилди.

Шундан сўнг машиналар қатновига старт берилди.

Янги бунёд этилган кўприк автомобиллар ҳаракатининг эзулқисилиги, шунингдек, пиёда-лар хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Шу куни меҳмонлар Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетидаги Нурафшон филиалидаги замонавий IT-Parkда ҳам бўлиб, бу ерда ёшларга яратилган шароитлар билан танишишди, мутахассислар билан суҳбатлашди.

Президентимизнинг 2022 йил 22 сентябрда вилоятимизга ташрифи чоғида берган топшириғига биноан бунёд этилган вилоят "Нуронийлар маскани" ҳам шу куни фойдаланишга топширилди.

Масканда нуронийлар учун дам олиш, шахмат-шашка, спорт-соғломлаштириш, тиббиёт хоналари, чойхона ташкил этилган. Бой китоб фондига эга кутубхона ҳам фаолият кўрсатмоқда.

– Вилотимизда 340 минг нафардан зиёд нуронийлар яшайди, – дейди вилоят "Нуроний"



жамғармаси раиси Фарҳод Омонов. – Улар давлатимиз эътиборини кундалик ҳаётида ҳис қилиб туришибди ва бундан миннатдорлар. Айни пайтда катта ҳаётий тажрибага эга фахрийларимиз ижтимоий ҳаётда, айниқса, ёшлар тарбиясида фаоллик кўрсатишмоқда. Барча туман-шаҳарларда ташкил этилаётган "Нуронийлар маскани" эса бу борада уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Тадбир якунида меҳмонлар учун байрамона дастурхон ёзилиб, концерт дастури намойиш этилди.

Нигора ЎРОЛОВА
Тошкент ҳақиқати/
Жалолiddин ЭСОHOV
олган суратлар

Кун тасвири



ПИСКЕНТ туманининг

"Мингтепа" маҳалласида оилавий шифокорлик пункти биноси фойдаланишга топширилди.



НУРАФШОН шаҳар ҳокими бошчилигидаги делегация Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳридаги «Энтропос» компанияси томонидан ишлаб чиқарилиб фойдаланишга топширилган иссиқлик тизими билан яқиндан танишишди.



Қозоғистоннинг "Industrial air filtration" компанияси вакиллари ЧИРЧИК шаҳридаги «Чирчик» кимё-индустриал технопаркига ташриф буюрди.



Наврўз байрами ва дам олиш саналарида тиббиёт муассасалари туну кун ишлайди

Байрам кунлари даволаш-профилактика муассасаларининг 40 минг нафар тиббиёт ходими қонунда белгиланган тартибда, навбатчилик асосида аҳолига хизмат кўрсатади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИНИНГ ЛОЙИҲАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ Тўғрисида

белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади.

43-модда. Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағаллиқни қисқартириш чораларини кўради. Давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этади ҳамда рағбатлантиради.

44-модда. Суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёҳуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади. Болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўқсинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади.

45-модда. Ҳар ким дам олиш ҳуқуқига эга. Ёлпаниб ишловчиларга дам олиш ҳуқуқи иш вақтининг давомийлигини, дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларини, ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътилини белгилаш орқали таъминланади.

46-модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас.

47-модда. Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойининг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади.

Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланади.

48-модда. Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси фуқарolari тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шаклларини, тиббий сўғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради. Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади.

49-модда. Ҳар ким қўлай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шахарсозлик фаолияти соҳасида жамoатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда жамoатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради.

50-модда. Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди. Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади. Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошлангич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир. Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир. Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади.

51-модда. Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли. Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга.

52-модда. Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишининг асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

53-модда. Ҳар кимга илмий, техникавий ва бадий ижод эркинлиги, **(Давоми. Бошланиш 2-саҳифада)**

маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилади.

Х бoб. Инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари	
54-модда. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир. Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.	
55-модда. Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли. Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли. Ҳар ким давлат органларининг ёҳуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга.	
56-модда. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишининг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ва инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга кўмаклашади. Давлат инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратади.	
57-модда. Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат жиомасидадир. Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради. Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратади, уларнинг ишга жойлашишга, таълим олишига кўмаклашади, уларга зарур бўлган ахборотни тўқсинликсиз олиш имкониятини таъминлайди.	
58-модда. Хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркаларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди.	
ХI бoб. Фуқароларнинг бурчлари	
59-модда. Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.	
60-модда. Фуқаролар Конституция ва қонунларга рия этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.	
61-модда. Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий меросини асраб-авайлаши шарт. Тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий мерос давлат томонидан муҳофаза қилинади.	
62-модда. Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.	
63-модда. Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт. Солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўқсинлик қилмаслиги керак.	
64-модда. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.	
УЧИНЧИ БЎЛИМ. ЖАМИЯТ ВА ШАХС	
ХII бoб. Жамиятнинг иқтисодий негизлари	
65-модда. Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъ-молчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас.	

66-модда. Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эғалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасаруф этади. Мол-мулкдан фойдаланиш атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.

67-модда. Давлат қўлай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлайди. Тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланади. Монопол фаолият қонун билан тартибга солинад и ва чекланади.

68-модда. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланиш ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин.

ХIII бoб. Фуқаролик жамияти институтлари	
69-модда. Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти қонунга мувофиқ амалга оширилади.	
70-модда. Ўзбекистон Республикасида касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимпларнинг жамиятлари, хотин-қизлар ташкилотлари, фахрийлар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ҳамда фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади. Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, уларнинг фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.	
71-модда. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, ҳудудий ахлитлигига ва хавфсизлигига қарши чикувчи, урушчи, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек миллий ва диний белгиларига кўра сиёсий партияларнинг, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва бирлашмалар ташкил этиш тақиқланади.	
72-модда. Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига рия этилишини таъминлайди, уларга жамият ҳаётида иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашушига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашушига йўл қўйилмайди.	
73-модда. Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.	
74-модда. Сиёсий партиялар турли ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятининг молиялаштирилиши манбалари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ошқора ҳисоботлар тақдим этадилар.	
75-модда. Диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олида тенгдирлар. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятига аралашмайди. Давлат қонунда белгиланган тартибда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар фаолиятининг эркинлигини кафолатлайди.	
XIV бoб. Оила, болалар ва ёшлар	
76-модда. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Никоҳ Ўзбекистон халқининг аънаванай оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади.	
77-модда. Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиш хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқишни, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради.	
78-модда. Фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олидада тенгдирлар.	

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир.

Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлиқни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

79-модда. Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради. Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

80-модда. Вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

XV бoб. Оммавий ахборот воситалари	
81-модда. Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар. Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди. Оммавий ахборот воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгардир.	
82-модда. Ёценурага йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўқсинлик қилиш ёки аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.	
ТўРТУНЧИ БЎЛИМ. МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ	
XVI бoб. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши	
83-модда. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.	
84-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.	
XVII бoб. Қорақалпоғистон Республикаси	
85-модда. Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради. Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади.	
86-модда. Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас.	
87-модда. Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир.	
88-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади.	
89-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга.	
90-модда. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар муросага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади.	
БЕШИНЧИ БЎЛИМ. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ	
XVIII бoб. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси	
91-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қўйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати – беш йил.	
92-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат.	
(Давоми 4, 5, 6-саҳифаларда)	



Рамазон ойи ҳам кириб келишига санокли кунлар колди. Шабон ойи охирлаб бораётгани сари юртимиз мўмин-мусулмонларининг юраклари яна ҳапқиряпти. Чунки бу ойда қилинадиган ибодатлар лаззати, тутилдиган рўзалар фазилати кишига ўзгача рухият бағишлайди, нафсимиз покланади, калбимиз мусаффолашади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: “Рамазон ойи – одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир. Бас, сизлардан ким бу ойда (ўз яшаш жойида) ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Кимки бемор ёки сафарда бўлса, (тута олмаган кунларининг) саногини бошқа кунлардандир. Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирликни хоҳламайди”, деб марҳамат қилган (Бақара сураси, 185-оят).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ойи кириб келиши билан саҳобаларини муборакбод этар ва бу ойнинг фазилатларини баён қилар эдилар.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу айтиди: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларига хушхабар бериб айтар эдилар: “Сизга муборак Рамазон ойи келди. Аллоҳ сизга унинг рўзасини тутушини фарз қилди. Бу ойда жаннат дарвозалари очилур, жаҳаннам қопқалари ёпилур, итоатсиз жин-шайтонлар занжирбанд қилинур. Бу ойда бир

кеча бўлиб, у минг ойдан яхшироқдир. Ким ўша кечанинг яхшилигидан маҳрум бўлса, демак, у маҳрум бўлибди” (Имом Аҳмад ривояти). Уламоларимиз бу ҳадисни инсонлар бир-бирларини Рамазон ойи билан муборакбод этишларига асос бўлади, дейишади.

Нима учун инсонлар бир-бирларини табриклашмасин?! Ахир бу ойда жаннат дарвозалари очилса, жаҳаннам қопқалари ёпилса, итоатсиз жин-шайтонлар занжирбанд қилинса, минг ойдан яхшироқ Қадр кечаси бўлса бу ойда...

Бошқа бир ҳадисда: “Бир нидо қилувчи: “Эй яхшилиқ талабгори, савоб ишларга кириш! Эй ёмонлик талабгори, гуноҳ ишлардан тийил!” деб нидо қилиб туради (Имом Термизий ривояти). Аллоҳнинг дўздан озод қилинадиган бандалари бор бўлиб, (Рамазоннинг) ҳар кечаси шундоқ бўлур”, дейилган, яъни, аввалдан дўзахга тушишга лойиқ бўлиб қолган бандалардан баъзилари Рамазони шариф туғайли Аллоҳ томонидан кечирилиб, дўздан озод қилинурлар.

Бу ойда жаннат дарвозалари очилади ва жаҳаннам эшиклари ёпилади, чунки бу ойда жаннатга кириш учун сабаб бўлган хайрли ишлар ва солиҳ амаллар кўпроқ бажарилади, дўзахга кириш учун сабаб бўлган гуноҳ-маъсиятлар ва ярамас, қирқанч, уятли ишлар камроқ содир этилади. Жаннат дарвозалари мусулмонларни хайрли ишларга шошилишга тарғиб қилиб ҳам очилади. Дўзах эшиклари эса, гуноҳлардан қайтган, истиффор айтган, афсус-надомат

чеккан, қайта қилмасликка ният қилган ҳолда таъба қилишга тарғиб қилиб ёпилади. Натижада бу ойда вафот этган ва руҳи дўзахга маҳкум қилинган кимсалар, бу ойнинг шарофати ила шу ойнинг охиригача дўзахга киритилмай туради. Жаннатнинг барча дарвозалари очилиши Рамазон ойида Ер юзига Аллоҳнинг раҳмати кўп нозил бўлишига ҳам ишорадир.

Бу ойда итоатсиз жин-шайтонлар занжирлар билан боғлаб қўйилади, қўл-оёқларига кишанлар солинади. натижада инсонларни васваса қилишолмайди, ғарзали мақсадларига етишолмайдилар. Бу Аллоҳнинг бандаларига нисбатан меҳрибонлиги ва лутфу инояти бўлиб, У Зот уларга ўз нафсларидан ғолиб бўлишларига ёрдам беради ва итоатсиз жин-шайтонларнинг макр-хўйлаларидан асрайди.

Бошқа бир ҳадиси шарифда: “Жаннатнинг бир эшиги бўлиб, у Район деб аталади. Қиёмат куни рўзадорлар ўшандан киришади, улاردан бошқа бирор одам кирмайди. Шунда “Рўзадорлар қани?” дейилади. Шунда рўзадорлар кириб боришади. Уларнинг охиригиси кириб бўлиши билан эшик берkitилади. Ундан бошқа ҳеч ким кирмайди” (Имом Бухорий ривояти).

Рамазон шундай ойки, унда қилинган эзгуликларга берилдиган ажрларнинг ҳисоби йўқ. Шу боис бу ойни ғанимат билишимиз керак. Бежиз Имом Абу Ҳанифа раҳиматуллоҳ Рамазон ойида Қуръони каримнинг ўттиз марта, бир ривоятда олтиш марта хатм қилмаганлар. Имом Молик раҳматуллоҳи

алайҳ Рамазон ойи кирса, ҳадис дарсларини тўхатиб, Қуръон билан машғул бўлар эдилар. Шунингдек, Суфён Саврий раҳимахуллоҳ ҳам Рамазон ойи келса, барча нафл ибодатларни қўйиб,

Қуръонга юзланар эдилар.

Имом Бухорий раҳимахуллоҳ Рамазон ойида ҳар куни бир марта Қаломуллоҳни хатм қилар эдилар (“Тариху Бағдод”).

Мухтасар айтганда, ойлар сул-

тони Рамазоннинг саҳарликларида, ифторликларида Аллоҳ таолога ялиниб-ёлвориб, юртимиз тинчлигини, турли бало-қазо, офату кулфат, тўхматлардан, ёмон кўз, ёмон сўзлардан, фитналардан Ўзи асрашини сўраб дуолар қилайлик. Чунки Рамазон дуолар ижобат бўлади-ган ойдир.

Аллоҳ таоло барчамизга ушбу ойни ғанимат билишни насиб қилсин.

Раҳмат ва мағфират ойдан унумли фойдаланайлик, азизлар.

Жасурбек домла РАУПОВ,
Тошкент вилояти
бош имом-хатиби

Рамазон кунлари	Март - апрель	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугаши	Ифторлик бошланиши
1	23	Пайшанба	05:03	18:40
2	24	Жума	05:01	18:41
3	25	Шанба	05:00	18:42
4	26	Якшанба	04:58	18:43
5	27	Душанба	04:56	18:44
6	28	Сешанба	04:54	18:45
7	29	Чоршанба	04:53	18:46
8	30	Пайшанба	04:51	18:47
9	31	Жума	04:49	18:48
10	1	Шанба	04:47	18:49
11	2	Якшанба	04:45	18:50
12	3	Душанба	04:43	18:52
13	4	Сешанба	04:42	18:53
14	5	Чоршанба	04:40	18:54
15	6	Пайшанба	04:38	18:55

Рамазон кунлари	Апрель	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугаши	Ифторлик бошланиши
16	7	Жума	04:36	18:56
17	8	Шанба	04:34	18:57
18	9	Якшанба	04:32	18:58
19	10	Душанба	04:30	18:59
20	11	Сешанба	04:28	19:00
21	12	Чоршанба	04:27	19:01
22	13	Пайшанба	04:25	19:02
23	14	Жума	04:23	19:03
24	15	Шанба	04:21	19:04
25	16	Якшанба	04:19	19:05
26	17	Душанба	04:17	19:07
27	18	Сешанба	04:15	19:08
28	19	Чоршанба	04:13	19:09
29	20	Пайшанба	04:11	19:10
30	21	Жума	04:10	19:11

Рўза тутиш (саҳарлик, оғиз ёпиш) дуоси

Навайту ан асувма совма шаҳри рамазона минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъаалаа. Аллоҳу акбар.

Маъноси: Рамазон ойининг рўзасини субҳдан то кун ботгунча тутмоқни ният қилдим. Холис Аллоҳ учун. Аллоҳ буюқдир.

Ифторлик (оғиз очиш) дуоси

Аллоҳумма лака сумту ва бика ааманту ва аълайка таваккалту ва аълаа ризқиқа афтарту, фағфирли ма қоддамту ва маа аххорту бироҳматика йаа арҳамар рооҳимийн.

Маъноси: Эй Аллоҳ, ушбу Рўзамни Сен учун тутдим ва Сенга иймон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва беран ризқинг билан ифтор қилдим. Эй меҳрибонларнинг энг меҳрибони, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил.

■ Нуқтаи назар

Юртимизда телевиденининг ташкил топиши бугунги оммавий коммуникациялар тизими ривожиди илк босқич бўлган, дейиш мумкин. Бу кашфиёт “XX аср мўъжизаси”, деб аталади.



МАТН ВА ТАСВИР УЙҒУНЛИГИ

Ёхуд XX аср мўъжизаси

Тошкентни телевиденининг Ватани, дейишади. Сабаби, 1907 йилда рус олими Борис Розинг томонидан яратилган ярим механик, ярим электрон усулда масофага берилган ва қабул қилиб олинган телевидион тасвирга оид кашфиёт келажада яратилажак электрон телевидение учун қисман асос вазифасини бажарган. Дунё телевидениеси тарихида “Тошкент телефоти” деб ном олган бу ихтиронинг илк синови пойтахтимизда амалга оширилган.

Маълумотларга кўра, электрон оммавий телевиденининг илк кўрсатувлари 1938 йилда тажриба синав тарихида, 1939 йилдан мунтазам эфирга узатила бошлаган, аммо Иккинчи жаҳон уруши туғайли бу жараён тўхтаб қолган. Шундан кейинги биринчи кўрсатув 1945 йил 7 май куни эфирга узатилган.

1954 йилда Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкент телевидион маркази қурилиши бошланди. Икки йил мобайнида қуриб битказилган баландлиги 180 метрли минорадан 1956 йил 5 ноябрь куни илк эфирга узатиш ишлари бошланди. Бу халқимиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Ушанда илк ва ягона телеканал ўз эфирини бошлаган бўлса, ҳозирги кунда телеканаллар сони йигирмага яқинлашди.

Телевиденининг дастлабки техник ва ижодий ходимлари ҳам шакллантирилди: ижодий ишлар бўйича илк директор Мирсолих Мираъзамов, телемарказ раҳбарлигига эса муҳандис-электрик Марзия Абдуллаева та-

йинланди. Телестудиянинг илк режиссёри Бобо Ҳўжаев, тасвирчи Пўлат Расулов, биринчи диктор эса Иқбол Олимжонов.

Шубҳасиз, ОАВ орасида телевиденининг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, жонли эфир жараёнида бу яққол намоён бўлади. Сабаби, жонли эфир тезкор ахборот тарқатишнинг кулай ва энг самарали йўлидир. Шу боис, бугунги кунда телевидениедаги барча телеканалларда жонли эфир тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Телевидение эфирлари таъсирчанлиги жиҳатидан турли жанрларга бўлинади. Улар орасида энг тезкор ва қисқалиги билан ахборий жанрлар – янгилик, хабар, репортаж ва таҳлилий лавҳалар етакчилик қилади. Бунда томошабин воқеа-ҳодисани тезкор равишда ва қисқа ҳолда қабул қилади. Шунингдек, интервью, суҳбат асносида ҳам бирор маълумотни қисқа ва лўнда етказиш мумкин.

Кўрсатувлар эса олдиндан тайёргарлик билан ёзиб олинади. Бунда, энг аввало, ғояга мос сценарий шакллантирилади. Сўнгра сценарийга мос тасвирлар олинади. Тасвир қанчалик бой бўлса, мавзунини ифодалаш кенг қамровли бўлади. Монтаж жараёнида ҳар бир сўзга мос тасвир териб чиқилади. Баъзан такрор кадрлар ҳам бўлиши мумкин. Бу кўрсатувнинг таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилиб, томошабиннинг меъдасига тегмайди. Аксинча бўлса, зериктиради. Куй ва мусикий безак дастурнинг тўлақонли бўлиши ва инсон онгига таъсирини кучайтиради. Ҳар бир жараён шунчаки эмас, томошабин учун кўримлилик даражасини оширишга хизмат қилади.

Албатта, ҳозирги кунда телевиденининг имкониятлари кенг. Шу билан бирга, босма оммавий ахборот воситаларига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари бор. Фарқли жиҳати шундаки, унда экранга ёзилган ёзув ва тасвирлар уйғунлиги орқали воқеа-ҳодисани аниқлаш мумкин. Босма оммавий ахборот воситаларида эса воқеа-ҳодисалар ёзма тарзда ифодаланади ва ўқувчи кўз ўнгидан гавдалантирилади. Яъни, матбуотда сўзнинг қудрати намоён бўлади.

Телевидение билан босма оммавий ахборот воситаларининг ўхшашиги эса матн орқали ифодалашда кўринади. Матн бу – сценарий. Сценарий шакллантирилган, унга мос тасвирлар жамланади. Жараён тасвирда ёки тасвир ортида айтилган гап ва унга монанд кадрлар билан томошабинга етказилади.

Телевиденининг инфоформацион ва ташвиқотчилик функциялари ҳар доим унинг эстетик функциясига ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўз таъсирини ўтказиб келган. Унинг шу хусусиятини тушуниб етиш бадиий телевиденининг тўб моҳиятини тафаккур қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шу моҳиятнинг мантиқан тўғри қайд қилиниши телевидение тарихида чуқур из қолдирган ижодкорлар ўз асарларида тележурналистика замиридаги яширин имкониятларга қайта-қайта мувожаатларида яққол кўринади. Айнан шу хусусият телевидениеда яратилган асарларга аниқ публицистик характер бериб, телесанъатнинг ўзига хослигини шакллантиради.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги оммавий коммуникациялар замонида телевиденининг муносиби ўрни бор. У оммага телевидион жанрлар асосида мазмунли матн ва тасвирли ифодалар орқали ўз таъсир кучини намоён қилиб келмоқда.

Дилдора ҲАЙТАЛИЕВА,
Ўзбекистон Журналистика ва
оммавий коммуникациялар
университети магистранти

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЗАРУРАТИ ■ Жараён

Аҳолини рўйхатга олиш жараёнида тўпланган маълумотларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини шаклланишидаги аҳамияти катта. Дунёдаги ҳар бир мамлакат ўзининг аҳолиси ва унинг яшаш ҳолати бўйича ишончли маълумотга эга бўлиши лозим. Шу мақсадда мунтазам равишда (ўсиш ва камайиш суръати қараб) аҳоли рўйхатга олинади. Кўпчилик давлатларда бу жараён ҳар беш ёки ўн йилда амалга оширилади.

Аҳолини рўйхатга олиш нима учун керак?

Аввало, бу жараёнда аҳолининг аниқ сони, ёши, жинси, фуқаролиги, миллати, оилавий аҳоли, маълумоти, касби, уй-жой билан таъминланганлиги, меҳнат ресурслари, бандлиги, даромад манбалари бўйича батафсил маълумот тўпланади.

Бу рақамлар орқали аҳоли жон бошига тўғри келадиган макротиқсодий кўрсаткичлар ҳисобланади. Ўз навбатида, ушбу рақамларга асо-

сан аҳоли миграцияси тўғрисидаги аниқ маълумотлар шакллантирилади. Аҳолини рўйхатдан ўтказиш натижасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аёллар ҳамда болалар саломатлигини яхшилаш ва оилапарга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқиш имконияти яратилади. Чунки аҳоли пунктлари инфратузилмаси-

ни яхшилаш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва самарали жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурларни ишлаб чиқишда бу маълумотлар ниҳоятда қўл келади.

Бундан ташқари, аҳолини рўйхатдан ўтказиш жараёнида тўпланган маълумотлар орқали миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакллантириш, халқаро ташкилотлар ва фойдаланувчилар таҳлиллари учун кенг қамровли ахборотлар манбаи яратиш мақсади ҳам бор.

У. САТТОРОВ,
Тошкент вилояти статистика
бошқармаси бўлими бошлиғи

■ Ёълон

“LOMBARD KRISTAL KREDIT” МЧЖ Жамиятнинг 2022 йилги бухгалтерия баланси

(минг сўмда)						
№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	7 035,00	3 639,57	Устав капитал	1 330 000,00	1 330 000,00
2	Товар-моддий захиралари	2 827,00	1 169,50	Қўшилган капитал		
3	Келгуси давр харажатлари	4 873,00	6 495,53	Резерв капитал	199 500,00	199 500,00
4	Дебиторлар	553 123,00	924 673,23	Тақсимланмаган фойда	4 091 977,00	6 179 364,35
5	Пул маблағлари	115 643,00	333 644,07	Мақсадли тушум ва фондлар		
6	Қисқа муддатли инвестициялар	5 514 473,00	7 327 207,00	Жорий мажбуриятлар	576 497,00	887 964,55
	Жами, активлар	6 197 974,00	8 596 828,90	Жами, пассив	6 197 974,00	8 596 828,90

Жамиятнинг 2022 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

(минг сўмда)		
Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	5 052 230	
Сотилган маҳсулотлар таннарихи		
Маҳсулот сотишдан тушган ялпи фойда	5 052 230	
Давр харажатлари, жами:		921 028
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	1 687 559	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	5 818 761	
Фоишлар шаклидаги харажатлар		175 689
Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда	5 643 071	
Даромад (фойда) солиқ		855 684
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар		
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қолдиган соф фойда (зарар)	4 787 388	

Жамиятнинг 2022 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари МЧЖ шаклидаги «TRANS-AUDIT-A» аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.



Эҳтиром

Бундан йигирма йиллар нари-берисида устоз Анвар Обиджон Ўткир акани таърифлаб, жуда ҳалол, покиза, ҳақиқий зиёли шоир, кучли шахс деганда мен “Шоирларнинг ҳаммаси зиёли бўлмайдими?” дегандек гап қилдим. Анвар ака бу луқмани шапшақликка йўйдими, мижозни чамалаган тикувчидек бош-оёғимни кўздан ўтказиб: “Кўрасиз ҳали...”, деб қўяқолди.

ЎТКИР АКА,
РАҲМАТ!

Ўткир акани илгари кўрма-гандим. Ижоди билан сирдан таниш эдимки, кўпроқ журналист сифатида танирдим.

Кейинчалик, турфа феъл “шоир”ларга тўқнашганда, туруқсиз тутумларидан қон бўлганда “зиёли шоир” таърифи қайта-қайта эсимга тушди. Кейинроқ яна англадимки, шоирликнинг нозик шартли бўларкан: шеърига муаллиф ўхшаши керак экан!

Мана, бугун кўлимда устоз Ўткир Раҳматнинг “Дилроз” деб номланган тўртинчи сайланма жилди турибди. Салмоқли тўпламга устознинг кейинги йиллардаги ижод намуналари киритилган.

Чиганок дурга айланиши учун ҳам маълум вақт зарур. Фикр ва туйғу рост келиб, мия чиганогиди марваридга дўнишига ҳаётини тажриба шарт. Йўқса, ашъор баландпарвоз, юракдан ироқ, дуварак олмадай бўлқолади. Ўткир ака шеърларида ҳаётнинг чучугидан кўра аччиғига кўпроқ дуч келган ва оқил хулоса чиқарган доно файласуф нигоҳини кўраман. Номард, нонқўр, сотқин, ивogar

каби пасткаш нусхалар шоир қалбига қанча тиг урмасин, у матонат билан бардош беради, у олишни ҳаёлига келтирмайди, лаънатламайди, аксинча, ғанимга инсоф тилайди, яхшилик соғинади. Аммо... у нобакор бу неқбинликни қоши тушунса! Ахир унинг тоифаси бошқа, лойи ўзга ердан олинган. Боз устига ўша нонтелки яқин одамнинг, меҳринг тушган шогирдинг бўлса-чи? Шоир юраги бу юк забтидан анордек эзилди:

“Бировлардек турланмаса, рўпарангда ўзи бўлса...” Қани ўзи? Йўқ, у асл қиёфасини йўқотиб бўлган, иблисга қўл бериб этагини қўшқўл тутган... «Кўринганидек бўл!» дейди Мавлоно Румий. Афсуски... бу кўҳна савдо...

Ўткир аканинг шеърларида ўзбекнинг феъли, тили ва дили ойдан кўринади. Ифода халқ қўшиқлари каби раво, дostonлари дарёларимиздек ёйиқ, сокин ва улғувор.

“Тулу бинафшани кучади офтоб,
Ҳатто илтиади қўшлар ичини...”

Сиз қуёш қуш инига мўра-лашини уйлаб кўрганмисиз? Қанчалар олижаноблик, одамийлик, шафқату меҳр бор бу сатрда! Ахир қўшлар ҳам Аллоҳнинг яратиги, улардаям оғрийдиган жон бор, бола-чақа ташвиши — тирикчилиги бор. Асосийси, қушу қўртлар ҳам шу дунёнинг беағи, ҳаётимизнинг бир бўлаги, сайёрамиз вакиллари. Офтоб қуш уясини илтиши инсониятга буюк сабоқ! Шоир “Эй, одам боласи! Қуёшдан ибрат ол! Бир-бирининг кўнглинга меҳр тафтини бер, шундагина кўнглилар исийди!” деб бонг уряпти. Айниқса, силари раҳмни унутмаслик керак. Ҳар биримизда қондошларимизнинг мерос ҳақи бор.

Шунинг учун шоир “Меҳрининг иккинчи исми — сингил...”, деб лутф қилади.

Устоз табиятга табиятан яқин инсон эмасми, борлиқ ҳодисаларини маҳорат билан қаламга тортадики, тасвир тиниқ, жозибали, таъсирчан тус олади.

“Ғира-шира шомдан сўнг
Босқинчи — қоронғулик
Кўздан панага олар
Қанча йиртиқ-ямоқни...”

Тушундингиз а? Изоҳга ҳожат йўқ!
“Йўл” балладасини ўқир чоғим ўзим уйлаган, лекин

Киши билан суҳбат курсане
Унинг айттар сўзи бўлса,
Бировлардек турланмаса
Рўпарангда ўзи бўлса.

Нигоҳига чўкиб тамом,
Меҳр майин сипқорсанг, бас,
Кўнглил мулки томон имлаб,
Чорлағувчи кўзи бўлса.

Ҳаёт йўли ўнқир-чўнқир,
Кимларга дуч этмас тақдир,
Учрашганда нур сочувчи
Офтоб мисол юзи бўлса.

Ҳикмат айтмоқ саодати
Ҳар кимга ҳам этсин насиб,
Тунни тонгага улаб берган
Маъно-мантқиқ, тузи бўлса.

Фалак тезкор, ўтар даврон,
Айланади фасллар ҳам,
Сирлашасан дилдош билан
Умринг ёзи, кузи бўлса.

Дунё сирин очса буткул,
Бир кафтдайдin қилиб тутса,
Оқил эрса суҳбатдошинг,
Сўзи иффа қизи бўлса.

Эслаганда ёниб ҳар гал
“Улуғ эди”, десанг тинмай,
Юрагинга у нақш этган
Унутилмас изи бўлса...

Иқбол МИРЗО

Тупроқ,
Кипригинга губорлар қўниб,
Шўхлик қилиб юрар ҳамон саболар.
Сенинг кучоғинда туғилиб, униб,
Эртатка айланди момо, боболар.

Муқаддас руҳият,
Ҳар гардине — китоб,
Варақ-варақ қўлда ўлиб ўқирлар.
Пойиға ким сени топтаса шу тоб,
Билгини,
Бу фақат нонқўр, сўқирлар!

Тупроқ,
Онажоним,
Отамсан боқсам,
Дарахту тоғ бўлиб адл тургандек.
Ҳидларинг маст этган айна субҳидам,
Булбулдай богларда сайраб юргандек.

Бурро забонимнинг тафти сўнмағай,
Бу ҳаёт офтоби токи бор экан.
Сенинг дийдориндан умр тўймағай,
Бисотим, борлиғим —
Эй, жоним Ватан!

Ўткир РАҲМАТ

Кўклам нафаси... Саҳарларнинг таровати ўзгача. Тонгни майин шаббодая сайроқи қўшларнинг дилга қувонч улашувчи овози билан қарши олмоқдамиз. Қий-ғос гуллаган бодому ўрик шоҳларига боқиб завқланади киши. Кимдир кўчат ўтказишга чоғланган, кимдир бугдой ундирмоқда, қариндош-уруғлар, маҳалладошлар дошқозонлар атрофида сумалак тайёрлашга ошиққан.

Саҳарларнинг таровати ўзгача



Шундай шуқуҳли кунларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича ҳоким маслаҳатчилари Паркент туманидаги педагогика коллежиди жам бўлишди.

Муассасада “Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!” шиори остида байрам дастури ўтказилди.

— Наврўзларга етказганига шукр, — дейди вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси Шаҳноза Хўжаева. — Наврўз аҳиллик, оқибат, меҳр, инсонийлик айёми. Бугунги тадбирда ҳам

одамлар чеҳрасида гулгунликини кўриб турибмиз. Қалбимизда ҳамиша яхшилик уруғлари илдиш отаверсин.

Шу куни яхши ниятлар билан сумалак солинди. Баҳорий таомлар, коллеж ўқувчиларининг қўл меҳнатларидан яралган ижод намуналарининг кўргазмаси бўлди. Шунингдек, миллий халқ уйинлари ўйналди, қўшиқ ва лапарлар айтилди. Болажонларнинг гўзал рақслари эса даврага ўзгача файз киритди.


Нозима РАСУЛОВА
/Тошкент ҳақиқати/
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
“Тошкент телеком”
филиали жамоаси

ватандошларимизни

Наврўз умумхалқ байрами
билан самимий муборакбод этади!
Наврўзи олам ўзининг баҳорий экин-
лари билан ҳар бир оилага фаровонлик,
тинчлик-осойишталик, бахту иқбол
олиб келсин!



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkent skaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAUQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Shavkatjon RAHIMOV

Tohir ARIPOV

Ravshan RAIMOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV



Qabulxona:

(71) 233-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(71) 233-70-10

Mas'ul kotib:

(71) 233-90-82

Bo'lim muharrirlari:

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(71) 233-54-10

e-mail: toshkenthqiqati@gmail.uz

Navbatchi muharrir:

Kumush EGAMBERDIYEVA

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 00.30

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-331.

7 949 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzillimiz:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofsimiz: 100000,

Matbuotchilar ko'chasi, 32.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.